УВС да обструкцияга олиб келувчи икки хил сабаб мавжуд, яъни функционал ва органик. УВС соҳасидаги обструкцияларнинг учраш нисбати таҳлил қилинганда 3 ёшгача бўлган болаларда функционал обструкциянинг учраши 7-10 баробар кўп эканлиги аниқланган. Бу шуни тасдиқлайдики бола туғилгандан кейин 1 ёшгача бўлган муддатда баъзи аъзолар ўз функционал ва анатомик етилиши давом этади. Айнан БОМ да бола туғилганда қўйилган ташҳис 3 ёшларга бориб сийдик найларидаги кенгайишни йўқолиши кузатилиши бунинг тасдиғидир [21].

Органик обструкцияларга УВС соҳасида стриктура, эктопия ва уретроцелелар сабаб бўлиши мумкин. Гистологик текширишларда сийдик найи дистал қисмида бўйлама мушаклар гипотрофияси, циркуляр мушаклар гипертрофияси ва ушбу соҳада коллаген толаларнинг масса жихатдан ошиши кузатилади. Иккиламчи обструктив мегауретерга ташқи факторлар яъни нейроген қовуқ, уретра орқа клапани, сийдик найи дистал қисмининг ўсмалар билан ташқи томондан сиқилиши каби сабаблар бўлиши ҳисобига мегауретер кузатилади [28].

БОМ да кўпчилик беморларда функционал обструкция юзага келади, дастлаб сийдик найи диаметри 0,5 см дан кенгайиши кузатилиши мумкин. Бу ўз навбатида профилактик ва поллиатив даво чоралари қилинмаса, бу кенгайиш динамикада ошиб сурункали буйрак етишмовчилига олиб келиши мумкин. О. Swenson ўз изланишларида УВС дан сийдик оқимининг бузилишини, ушбу соҳада нерв иннервациясининг бузилиши, яъни худди Гиршпрунг касаллигидаги каби ҳолат кузатилади деб ҳисоблаган. Аммо бошқа олимлар морфологик текширишлар ўтказиш орқали бу назарияни йўққа чиқаришган. Улар БОМ да УВС ни гистоморфологик текшириш орқали ушбу соҳада агангилиоз йўқлигини, етарли даржада асаб толалари ва ганглийлари борлиги келтириб ўтишган [19].

Е.А. Tanagho ва ҳаммуаллифлар аутопсия қилинган инсон эмбрионларида олиб борган морфологик тадқиқотларда, сийдик найининг юкставезикал қисми ўрганилган бўлиб, олинган хулосаларга кўра гестациянинг турли муддатларида сийдик найи юкставезикал қисми сийдик найи эмбриогенезида энг охирида шаклланиши аниқланган. Тератоген омиллар таъсири натижасида сийдик найи дистал қисмида бўйлама мушаклар ривожланиши орқада қолади, ўз навбатида циркуляр мушак ривожланиши кучаяди, хаддан зиёд бириктирувчи тўқима толалари ўсиши кузатилади ва натижада сийдик найи дистал қисми обструкциясига олиб келади. Худди шундай ўзгаришлар . W. Gregoir ишларида ҳам келтирилган, 40% ҳолатларда циркуляр мушак гипертрофияси, сийдик найи тешиги соҳасида фиброэпителиал дисплазия ва тотал эмбрионал дисплазия кузатилган [3].

3 ёшгача бўлган болаларда УВС да обструкция кўпроқ функционал характерга эга бўлади. Бу ўз навбатида аъзо ва тананинг ривожланишидаги диспропорция билан тушинтириш мумкин. УВС соҳа тузилмасининг бола туғилгандан кейин 3-5 ёшгача бўлган муддатда етилиш фазаси давом этиши кузатилади. Е. Л. Вишневский натижаларига кўра етилган диурез, кундузи ва кечаси сийдик тўлиқ ушлай олишлик, қовуқни бошқарилган бўшата олиш, одатда бола ривожланишининг 3-4 ёшларига бориб шаклланади. Шу сабали ҳам бола туғилганда қўйилган БОМ ташҳиси бола 3-4 ёшга етганда ўз ўзидан бартароф бўлишини ушбу ҳолат билан тушинтириш мумкин [21].

Яцык С.П., Ахмедов Ю.М. (2014) олиб борган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, БОМ сабабида - буйрак паренхимасининг склерозланиши ва яллиғланиш жараёни факторларининг активлашиши, иммун тизим хўжайралари миграцияси, ҳамда цитокин синтези аномалиясига сийдик найи ва буйрак паренхимасидаги диспластик ўзгаришлар ётади. Ўтказилган морфологик текшириш натижаларига кўра, болаларда обструктив уропатияларга сийдик найи ва буйрак паренхимасидаги ёшига нисбатан функционал тўлиқ етилмаган тўқималарнинг бўлиши натижасида уродинамика бузилишига олиб келади [30].

Шундай қилиб, БОМ га олиб келувчи сабаблар кўплиги, олимларнинг фикр ва мулохазаларида турлича қарашлар мавжудлиги, обструкцияга айнан қайси фактор кўпроқ сабаб бўлади деган савол охиригача ўз ечимини топмаган, бизнинг фикримизга кўра БОМ га олиб келувчи сабабларни ўрганиш бўйича изланишлар охирига етмаган ва ушбу соҳада тадқиқотлар олиб бориш лозим деб ҳисоблаймиз.

#### **Болаларда бирламчи обструктив мегауретернинг классификацияси.**

Ҳозирги кунда дунёдаги кўпчилик давлатларда БОМ ни таснифлашда R. C. Pfister и W. H. Hendren (1978) таснифидан кенг фойдаланишади. Унга кўра касалликни ривожланишига учта даврни тақсимлашади: I – енгил, II – ўрта ва III – оғир. I – босқич сийдик найининг дистал қисмининг кенгайиши хос I(A) ёки жом кенгаймаган сийдик найи бутун узунлиги бўйлаб кенгайган I(B); II босқичда сийдик найи ва жом косача тизими кенгайган, аммо буйрак паренхимаси юққалашмаган ва фаолияти бузилмаган; III – босқичда сийдик найининг хаддан зиёд кенгайган букилмалар ҳосил қилган ва жом ва косача айтарлик даражада кенгайган, буйрак паренхимаси нисбатан юққалашган [21].

Мегауретер ёки сийдик найи кенгайишини таснифлашда бир қанча тамойиллар эътиборга олинади. Яъни мегаурер тури, даражаси ва сийдик найи кенгайиши. Мегауретернинг асосий турлари бу: обструктив, рефлюксланувчи, обструктив-рефлюксланувчи ва нообструктив-норефлюксив.

Келиб чиқиши бўйича:

- Туғма (бирламчи) – сийдик найи ва УВС соҳасида туғма рифожланиш аномалиялар ҳисобига юзага келади.
- Орттирилган (иккиламчи) – бошқа патологиялар ҳисобига юзага келади, масалан инфравезикал обструкция, нейроген қовуқ ёки уретра орқа клапани.

Тури бўйича:

- Обструктив – УВС соҳасида бириктирувчи тўқимадан иборат тўсиқ бўлиши.
- Рефлюксланувчи – сийдик оқимининг қовуқдан буйракка қараб тескари оқими кузатилиши.
- Обструктив-рефлюксланувчи – обструкция ва рефлюкснинг бирга қўшилиб келиши.
- Нообструктив-норефлюксив - обструкция ва рефлюксиз сийдик найининг кенгайиши.

Сийдик найи кенгайиши бўйича:

- I даража – сийдик найи диаметри 10 мм
- II даража – сийдик найи диаметри 11-20 мм
- III даража – сийдик найи диаметри 20 мм дан юқори

Буйрак функциясининг бузилиши бўйича:

- I даража – буйрак экскретор фаолиятининг <30%
- II даража – буйрак экскретор фаолияти 30-60%
- III даража – буйрак экскретор фаолияти >60%

Кўпчилик олимлар ўз ишларида БОМ ташхислаш ва даволашда D. Beurton (1986) таснифидан фойдаланишади [3]:

- I (A) даража – сийдик найининг дистал қисмида кенгайиш, аммо жом косача тизимида кенгайиш аниқланмайди.
- I (B) даража – сийдик найининг дистал қисми ва ўрта 1/3 қисмида кенгайиш, аммо жом косача тизимининг нисбатан кенгайиши.
- II даража – сийдик найининг бутун узунлиги бўйлаб қисқариши ва жом ва косача кенгайган.
- III даража – сийдик найининг хаддан зиёд кенгайган букилмалар ҳосил қилган ва жом ва косача айтарлик даражада кенгайган, буйрак паренхимаси нисбатан юққалашган.

Ҳозирги пайтда SFU (Society of Fetal Urology) таснифи БОМ ни ташхислашда кенг қўлланилади. Яъни бу таснифда сийдик найининг кенгайиши билан бирга жом косача кенгайиши ҳам эътиборга олинади. Тасниф бўйича мегауретер 4 даражага бўлиб ўрганилади.

- I даража – косачалар нисбатан кенгайган, жом кенгаймаган
- II даража – жом ва косача кенгайган аммо буйрак паренхимаси ўзгармаган
- III даража – жом ва косача айтарлик даражада кенгайган, буйрак паренхимаси нисбатан юққалашган.
- IV даража – жом ва косача жуда кенгайган, буйрак паренхимаси юққалашган

Шуни айтиб ўтиш керакки SFU (Society of Fetal Urology) таснифи сийдик йўлларидаги кенгайишни баҳолашга имкон беради, аммо буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолашга имкон бермайди. Шу сабабли қўшимча текширишлар талаб этади, масалан урография, цистография, буйраклар сцинтиграфияси.

#### **Болаларда бирламчи обструктив мегауретернинг ташхислаш масалалари.**

БОМ да ташхислаш стандарти сифатида учта инструментал текшириш усуллари, яъни сийдик йўллари УТТ, рентгенологик ва радионуклид текширишлар. БОМ ни ўз вақтида ташхислаш ва даволашда энг муҳими бу пренатал даврда сийдик йўлларидаги ўзгаришларни аниқлаш ва ушбу ҳомиладорларни диспансер кузатувга олиш ва бола туғилгандан кейин даволаш тактикасини белгилашдир. Пренатал даврда ҳомилани УТТ ва доплер текшириш қилишда энг муҳим диагностик придикторлар бу жом косача тизимидаги кенгайиш ва буйрак паренхимасидаги қон айланишнинг бузилиш белгилари ҳисобланади [16].

БОМ да рентгенконтраст текшириш усулларида ташхислаш баённомасига киртилган усуллар бу экскретор урография ва микцион цистографиялар ҳисобланади. Экскретор урография юқори сийдик йўлларида димланиш ҳисобига кенгайишни кўрсатиб берса, микцион цистография қовуқ сийдик найи рефлюксини дифференциал ташхисини ўтказишда муҳим аҳамият касб этади [19].

БОМ ни ўз вақтида ташхис қўйиш ва адекват даволаш масалалари кўплаб ўн йиллар давомида болалар урологларининг долзарб масалларидан бири бўлиб келмоқда. Сабаби кенг тарқалган патологиялардан ҳисобланади ва оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Юшко Е.И. ва ҳаммуаллифлар (2016) олиб борган тадқиқот натижалрига кўра, буйрак сийдик ажратув тизими туғма нуқсонлари антенатал УТТ текширувида 150622 чақалоқлардан 67 ҳолатида, шундан БОМ 68 нафариди аниқланган. Шу сабабли чақалоқларнинг туғилгандан кейин 1 ойгача бўлган муддатда шартли равишда БОМ ва сийдик йўллари туғма нуқсонларини аниқлаш мақсадида УТТ қилиш лозим деган хулосага келишган. БОМ да УТТ ташхислашда аосий критерий SFU таснифи (Society for Fetal Urology) жом косача тизимидаги кенгайиш эътиборга олинади ва даво услуби танланади. Сийдик найи кенгайиши 1,0 см дан кам ва гидронефроз 1-2 даражаларида консерватив даво, ўз анвбатида сийдик найи диаметри 1,2 см дан юқори ва гидронефроз 3-4 даражаси билан кечганда хирургик даво тавсия этилади [27].

Айнакулов А.Д., Майлыбаев Б.М. (2014) БОМ ни даволаш услубини танлашда текшириш усуллари муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўз илмий мақоласида келтиришган.

Олимларнинг олган натижаларига кўра, БОМ да УВС доплерография ва УТТ қилиш орқали сийдик найи тешигидан сийдик болусини ўтишини аниқлаш орқали консерватив давога кўрсатма аниқлашган, комплекс УТТ (фармакоэхография, доплерография) қилиш орқали буйрак паренхимасининг сақланганлиги ва УВС нинг функционал активлигини аниқлашган ва БОМ нинг II даражасида видеоэндоскопик давога кўрсатма ҳисоблашган, МР-урография орқали гломеруляр филтрация 50 мл/мин дан кам бўлган III даража БОМ аниқланганда дастлаб сийдик деривациясини (перкутаннферостомия, уретерокутанеостомия) қилиш ва кейинчалик видеоэндоскопик ёки анаънавий реимплантация қилиш лозим деган тавсияни беришган [2,3].

Сальников В.Ю. ва хаммуаллифлар (2016) олиб борган имий тадқиқот натижаларига кўра БОМ да динамикада кузатишдан хирургик давога ўтиш тактикасини танлаш бўйича ташҳисот алгоритми мезони бўлиб, динамикада сийдик найи диаметрининг катталашиши ҳисобланади. БОМ ташҳислашда ва уродинамик ўзгаришларни баҳолашда УТТ ва унинг диуретик синама билан бирга ўтказилиши, импульс тўлқинли доплерография, экскретор урография ва микцион цистографияларни кетма кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади [23,24].

Нефросцинтиграфия БОМ ни ташҳислашда замонавий инструментал текшириш усуллари билан бирдир. Ушбу текшириш усули БОМ да нафақат обструкция даражасини, балки буйрак функциясининг қай даражада пасайганлигини ва динамикада олиб келиши мумкин бўлган натижани башорат қилиш имконини беради. Операциядан олдинги ва кейинги даврда ренал парциал функциясини динамикада кузатиш мумкинлиги жихатидан ушбу текшириш усули ажратиб бўлмас усул деб ҳисоблаш мумкин. Айнан ушбу кўрсаткичларни аниқлаш учун статик нефросцинтиграфиядан фойдаланилади ва текширишни ўтказиш мақсадида <sup>99m</sup>Tc-DMSA технеций воситасидан фойдаланилади. Афзал томони йод сақловчи воситанинг нурланиш кучинининг камлиги ҳисобига тухум хўжайраларга зарари кам бўлади [9].

**Болаларда бирламчи обструктив мегауретерни консерватив ва хирургик даволаш муаммоларига замонавий қарашлар.**

Ҳозирги кунда БОМ ни даволашда кўпчилик олимлар динамикада кузатиш тактикаси тарафдорлари ҳисобланади. Уларнинг фикрига кўра 80-85% кузатувларда бир ёшгача бўлган муддатда уродинамиканинг яхшиланиши ва юқори сийдик йўлларида функционал ҳолат яхшиланади. БОМ да консерватив даволаш тарафдорларнинг концепцияси бўйича эрта ёшдаги болаларда УВС морфофункционал жихатдан хали тўлиқ етилмаган бўлади ва шу сабабли ёшга боғлиқ дисфункция кузатилади. Ушбу дисфункцияларга олиб келувчи сабаблар қуйдагилар деб ҳисоблашади: сийдик найи дистал қисми мушакларинг диспропорцияси ва мушак эластиклик хусусиятини бузувчи бириктирувчи тўқима толаларининг нисбий жихатдан юқорлиги; коллаген толаларнинг ошиши ҳисобига сийдик найи тешигида обструкция юзага келиши; сийдик найи деворидаги лейкоцитларнинг қисқариш фаоллигининг пасайиши ҳисобига перистальтика ва тонуснинг пасайиши юзага келади. Юқорида келтирилган омилларни эътиборга олган ҳолатлар ушбу назария тарафдорлари эрта ёшдаги болаларда БОМ да кутиш тактикаси мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади [30].

Лолаева Б.М., Джелиев И.Ш. (2020) 5 ёшгача бўлган 50 нафар БОМ билан даволанган беморларнинг даволаш натижаларини таҳлил қилишган. Тадқиқот натижалари бўйича 9 нафар беморларга консерватив даво (В гуруҳ витаминлар, биостимуляторлар (апилак, алоэ, калий оротат, пентоксил, церебролизин), ультрафиолет нурланиш, электрофорез) қўлланилган. Консерватив даво 3-4 ой давом эттирилган. 36 нафарида эндокопик ва 5 нафарида бирламчи хирургик аралашув қилинган. Яқин ва узоқ давр натижа таҳлилига асосланиб, БОМ да эндоскопик даво пиелонефритни бартараф этишга, буйракнинг функционал ҳолатини яхшилашга, сийдик ажратув тизмини постнатал даврда етилишга кўмак беради; БОМ да консерватив даво сийдик найи тешигида эвакуатор фаолиятнинг функционал ҳолати бузилганда кўрсатма ҳисобланади; БОМ да хирургик даво УВС да органик ўзгаришлар бўлганда кўрсатма ҳисобланади деган хулосага келишган [20].

БОМ да хирургик даволаш услубини ташлашдан олдин энг катта эътиборга сазовор паллиатив даво услублари бу деривация ҳисобланади, яъни перкутан нефростомия, уретерокутанеостомия ва УВС стентлаш. Ушбу деривация усулларининг қай бирини қандай ҳолатларда қўллаш лозимлиги бўйича олимларнинг қарашлари турличадир. Сўзсиз БОМ нинг юқори даражаларида сийдик найи хаддан ташқари кенгайган ва гидронефрознинг 3-4 даражалари билан бирга келган ҳолатларда, буйрак паренхимасида димланиш келиб чиқиши ҳисобиға ажратув фаолиятига кескин путр етади. Бундай ҳолатларда уродинамикани яхшилаш мақсадида деривация қилиш лозим деган савол туғилади ва юқорида келтирилган битта усулни танлаш лозим бўлади [14].

Рудин Ю.Э (2002) ишларида уретерокутанеостомия масалалари кенг ёритилган ва муаллиф БОМ нинг бир томонлама бўлган ҳолатларда эффектив даво усули деб ҳисоблайди. Бундан ташқари баъзи ҳолатларда Т-шаклидаги уретерокутанеостомияни қилишни ҳам таклиф этган [21].

Трущин П.В. ва ҳаммуаллифлар (2016) БОМ да 25 нафар беморларда пиелостома қўйишган ва олинган натижаларга асосланиб қўйидаги ҳулосага келишган. Пиелоуретеростомия кам жароҳатли усул бўлиб, буйрак функцияси сақланади ва сийдик найи анатомик бутунлиги бузилмайди. Ўз навбатида уретерокутанеостомияда, уродинамикани тиклаш учун стомани ёпиш лозим ҳисобланади. Пиелоуретеростомияда буйрак ажратув фаолияти қисқа муддатларда тикланган ва 75% ҳолатларда радикал уретерокутанеостомияни олди олинган [26].

Бир қатор олимлар фикрига кўра, уретерокутанеостомия сийдик димланишини бартараф этувчи эффектив паллиатив усул ҳисобланади. Уларнинг фикрига кўра уретерокутанеостомия қанчалик вақтли қилинса, юқори сийдик йўлларида иккиламчи ўзгаришлар кам ривожланади ва сийдик найи тез ўз ҳолатига қайтади, ҳамда реимплантацияда қийинчилик туғдирмайди. Уретерокутанеостомияга кўрсатма бўлиб, сийдик найи ва жом косача тизимининг прогрессив кенгайиши, буйрак функциясининг пасайиши, ҳамда бошқариб бўлмайдиган сийдик йўллари инфекцияси деб ҳисобланади [20].

Сапаев О.К. (2009) изланиш натижаларига кўра перкутан нефростомия БОМ ни даволашда дастлабки усул бўлиб, қисқа муддатларда буйрак фаолиятини тиклашга ва сийдик найини қисқаришига эришиш мумкин [25].

Юшко Е.И. ва Строчкин А.В. (2011) маълумотларига таянадиган бўлсак, нефростома блокланган буйракда сийдик оқимини яхшиланишига, қисқа муддатларда пиелонефритни бартараф этишга эришиш мумкин. Ўзининг кам инвазивлиги жихатидан уретерокутанеостомияга қараганда кенг қўллаш мумкин [28].

БОМ да анаънавий ва кенг тарғиб қилинадиган хирургик даволаш услуби бу УВС да антирефлюксли химояли сийдик найи реимплантацияси ҳисобланади. Анаънавий (очиқ) хирургияда кўплаб интра ва экстрезикал уретероцистоанастомоз услулари мавжуд. Барчасининг салбий томони уларнинг жароҳатлилигида ва операция вақтининг узоклигида, ҳамда сийдик найи ва қовуқни узок муддатга дренажлаш лозимлигидадир [19].

Ахмедов Ю.М. ва ҳаммуаллифлар (2023) фикрига кўра, болаларда БОМ билан даволанган 111 нафар беморларнинг тахлил натижаларига таяниб, БОМ операция услубини танлашда қарама қарши буйракнинг ҳолатини эътиборга олиш лозим деб ҳисобланади ва олинган натижа тахлилларига кўра Политан-Леалбеттер ва экстрезикал реимплантация усулларида яхши натижа кузатилган. Уланинг фикрига кўра ўз вақтида БОМ га ташхис қўйиб операция усули тўғри танланса натижа сўзсиз яхши бўлади [4].

Сабирзанова З.Р ва Павлов А.Ю (2022) илмий маълумотларига кўра БОМ билан 230 нафар беморларни даволашнинг 10 йиллик катамнез натижалари тахлиliga асосланиб, қўйидаги ҳулосага келишган, яъни БОМ ни хирургик давоси етарли даражада эффектив, аммо эрта ёшдаги болаларда реконструктив пластик операцияларни амалга ошириш асоратлар фоизини оширади, ўз навбатида УВС ни эндоскопик стентлаш уродинамикани тўлиқ тиклаш имконини бермайди, лекин асосланган нефропротекцияга эга деб ҳисобланади. Яна олимларнинг таъкидлашига кўра, БОМ да уретероцистоанастомоз ўтказишда сийдик найи

дистал қисми дисплазиясини, детрузор ҳолатини, буйрақларнинг жартиш фаолиятини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ [22].

Бир қатор олимлар фикрига кўра бир ёшгача бўлган бемор болаларда БОМ да анаънавий реимплантацияни амалга ошириш техник жихатдан қийинчилик туғдиради, айниқса сийдик найи диаметри кенг бўлган ҳолатларда уни қисқартириб реимплантация қилинган ҳолатда ҳам, операциядан кейинги даврда қовуқ сийдик найи рефлюкси ва қовуқ иннервацияси бузилиши каби ҳолатлар кўп кузатилади. Ўз навбатида бошқа олимлар БОМ нинг оғир даржаларида реимплантация қилиш лозимлигини ва уларнинг узоқ муддатдаги натижаларида ҳеч қандай асоратлар кузатилмаганлигини келтиришган. Шу билан бирга анаънавий реимплантацияда кенг қўлланиладиган усуллар бу Cohen, Politano-Leadbetter усуллари ва сийдик найи диаметри катта бўлганда Hendren усулидир [7].

Галицкая Д.А., Рудин Ю.Э. (2024) БОМ да сийдик найи диаметри 25 мм дан юқори бўлган ҳолатларда реимплантацияда антирефлюкс механизм тўғри танланмаса қовуқ сийдик найи рефлюкси келиши муқаррар деб ҳисоблашади. Ушбу ҳолат бўлмаслиги учун кенгайган сийдик найи дистал қисмини диаметрини қисқартириш ва Боари операциясини амалга ошириш лозим деб таъкидлашади. Боари операциясини бажариш билан бирга сийдик йўллари дренажлау мақсадга мувофиқ, бу ўз навбатида пиелонефритни олдини олади [6].

XX асрда БОМ даволашда тактик ёндошувда қарашлар ўзгариши кузатилди. Олдин реимплантацияга кўпроқ эътибор берилган бўлса, энди кўпроқ консерватив даво ва кам инвазив даво услубларига кўрсатмалар кенгроқ ёритила бошлади. БОМ да УВС ни стентлаш адабиётдаги маълумотларга кўра 80% ҳолатларда эффектив даво услуби ҳисобланади [8].

J. Angulo 1998 йил БОМ даволашда УВС ни юқори босимли баллон дилатациясини қўллаган. Ушбу усулнинг афзаллиги УВС соҳасида нерв охириларни шикастламасдан, қовуқни жароҳатламасдан обструкция соҳасини кенгайтиришга эришиш мумкин. Бундан ташқари ушбу соҳада антирефлюкс ҳисмоя воситасини бузмасдан уродинамика тикланишига эришиш мумкин [7].

Болалар урологиясига видеохирургиянинг кириб келиши УВС реимплантация жараёнининг кам жароҳатланишига олиб келди. Аммо ушуб усулнинг ҳам ўзига яраша камчиликлари мавжуд, яъни 2 ёшгача бўлган болаларда қовуқ ичида операцион майдоннинг кичиклигидадир. Хорижий адабиётларда анаънавий ва эндовидеохирургик даво усулларининг солиштирма тахлилига бағишланган ишлар кам учрайди [11].

Осипов И.Б. ва ҳаммуаллифлар (2017) илмий натижасида 72.3% кузатувда БОМ да УВС ни юқори босимли баллон дилатацияси яхши натижа берган. Шунга кўра муаллифлар фикрига кўра БОМ ни даволашда янги давр бошланганини, яъни кам инвазив даво усулларининг кенгрой тарғиб қилиш лозим деб ҳисоблашади [17].

Зоркин С.Н., Галузинская А.Т. (2022) 41 нафар БОМ ташҳиси қўйилган беморларга УВС ни юқори босимли баллон дилатациясини амалга оширган. Муаллифлар амалиётни бажаришда УВС даги стеноз диаметрига, унинг узунлигига ва даражасини эътиборга олишган. Олинган натижаларга таяниб олимлар стеноз юзаси 96.8% ва узунлиги 1.8 мм дан ошмаган ҳолатларда эффектив давога эришиш мумкин деб таъкидлашади. Қониқарсиз натижа придиктори бўлиб стеноз диаметри 0.7 мм дан кам бўлган ҳолат деб ҳисоблашади. Шу сабабли юқори босимли баллон дилатациядан олдин УВС стентирлаш ва ретроград уретерография орқали стеноз диаметри ва узунлиги билиш лозим деб топишган [9].

Сальников В.Ю. Зоркин С.Н. (2019) бир ёшгача бўлган болаларда БОМ ни хирургик даволаш натижаларини тахлил қилиш орқали, операция усулларини танлаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқишган. Олимларнинг фикрига кўра эндоскопик стентлашга кўрсатма бўлиб уродинамиканинг енгил бузилиши, сийдик инфекциясининг яққоллиги ҳисобланади; ўз навбатида 3 ёшдан катта болаларда сийдик найини стентлаш кам эффектив ҳисобланади. Юқори босимли баллон дилатацияга 1-2 ёшдаги яққол ривожланган уродинамика ва ренал фаолият бузилиши ҳолатлари ҳисобланади, ўз навбатида ушбу услубга қарши кўрсатма бўлиб 3 ёшдан катталар ҳисобланади. Муаллифлар фикрига кўра реимплантация амалиёти бир ёшдан катта беморларда яхши натижа беради [23].

Айнакулов А.Д. (2012) БОМ да эндоскопик даволарни (УВС ни бужлаш, дилатация ва стентлаш) амалга оширган. Умуман олганда 85% холатларда яхши натижаларни олишган. Даво давомида сурункали пиелонефритнинг стабиллашганлиги ва антибактериал давога эhtiёж камайганлиги аниқланган. Олимнинг фикрига кўра болалар урологиясига эндовидеохирургиянинг кириб келиши очик усулдаги амалиётларга эhtiёжни бир неча баробарга қисқартирган [2].

Шундай қилиб, адабиётдаги маълумотлар тахрири ушни кўрсатдики, БОМ ни ташхислаш ва ўз вақтида тўғри даво услубини танлаш бўйича кўплаб саволлар ўз ечимини топмаган ва қарама қарши фикрлар мавжуд. Айниқса эрта ёшдаги болаларда, яъни 1-3 ёшда БОМ ни фаол хирургик аралашув қўллаш лозимми ёки диспансер кузатув ҳолати деган саволга турлича қарашлар ва фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар УВС даги обструктив вазият бола 5 ёшига бориб ўтиб кетади дейишса, бошқалари сийдик деривациясини таъминлаш лозим деб ҳисоблашади, бошқа олимлар қанчалик вақти хирургик аралашув қилинса юқори сийдик йўлларида юзага келадиган иккиламчи иасоратлар олди олинади деган фикрларни келтиришади. Шу нуқтаи назардан БОМ ташхислашда қайси классификациядан қўлланган макул, ташхислашда асосий қайси текшириш усуллари қўллаш лозим ва энг муҳими даво услубини танлаш бўйича изланишлар олиб бориш лозим ва ўз ечимини топмаган масалалар бўйича исботловчи тиббиёт бўйича тадқиқотлар қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

### IQTIBOSLAR | СНОСКИ | REFERENCES:

1. Алиев М. М. и др. Выбор метода антирефлюксной защиты при хирургическом лечении обструктивного мегауретера у детей //Детская хирургия. – 2006. – №. 5. – С. 9-13.
2. Айнакулов А. А. Д., Зоркин С. Н. Диагностика и лечение обструктивных уропатий у детей //Детская хирургия. – 2012. – №. 6. – С. 23-26.
3. Айнакулов А. Д., Майлыбаев Б. М. Дифференцированный подход к лечению первичного обструктивного мегауретера у детей //Детская хирургия. – 2014. – Т. 18. – №. 5. – С. 16-18.
4. Ахмедов Ю. М. и др. Коррекция врожденного мегауретера у детей //Детская хирургия. – 2020. – Т. 24. – №. S1. – С. 18-18.
5. Бетанов З. В. Лечение детей раннего возраста с нерефлюксирующим мегауретером //Российский вестник детской хирургии, анестезиологии и реаниматологии. – 2017. – Т. 7. – №. 4. – С. 101-112.
6. Галицкая Д. А. и др. Причины повторных или этапных операций при мегауретере у детей и меры их профилактики //Экспериментальная и клиническая урология. – 2024. – №. 2. – С. 147-155.
7. Галузинская А. Т. Прогностическая модель метода баллонной дилатации высокого давления при первичном обструктивном мегауретере у детей раннего возраста: Автореф. ... канд.мед.наук. 2023; 24 стр.
8. Галузинская А. Т., Зоркин С. Н., Петров Е. И. Результаты лечения детей с первичным обструктивным мегауретером с помощью метода баллонной дилатации высокого давления пузырно-мочеточникового сегмента //Педиатрия. Consilium Medicum. – 2023. – Т. 1. – С. 8.
9. Зоркин С. Н. и др. Баллонная дилатация высокого давления при первичном обструктивном мегауретере у детей //Российский педиатрический журнал. – 2022. – Т. 25. – №. 4. – С. 260-261.
10. Зоркин С. Н. и др. Эффективность баллонной дилатации высокого давления при первичном обструктивном мегауретере у детей раннего возраста //Педиатрия им. ГН Сперанского. – 2022. – Т. 101. – №. 6. – С. 22.
11. Козлов Ю. А. и др. Лапароскопическая экстравезикальная реимплантация мочеточника при первичном обструктивном мегауретере у детей //Эндоскопическая хирургия. – 2020. – Т. 26. – №. 6. – С. 22-26.

12. Лолаева Б. М., Джелиев И. Ш. Определение коэффициента расширения мочеточника для оценки результатов хирургического и эндоскопического лечения обструктивного мегауретера у детей раннего возраста //Кубанский научный медицинский вестник. – 2016. – №. 2. – С. 112-114.
13. Лолаева Б. М., Джелиев И. Ш. Результаты консервативного, эндоскопического, хирургического методов лечения обструктивного мегауретера у детей раннего возраста //Вестник Волгоградского государственного медицинского университета. – 2020. – №. 1 (73). – С. 169-172.
14. Мавлянов Ф., Ахмедов Ю. Лечение врожденных обструктивных уropатий у детей //Журнал проблемы биологии и медицины. – 2017. – №. 1 (93). – С. 198-201.
15. Мавлянов Ф. Ш., Мавлянов Ш. Х. Результаты хирургического лечения обструктивных уropатий у детей в зависимости от уровня и степени обструкции //Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. Серия: Естественные и медицинские науки. – 2022. – №. 2. – С. 98-107.
16. Нечипоренко Н. и др. Ультразвуковая диагностика урологических заболеваний. – Litres, 2025.
17. Осипов И. Б. и др. Баллонная дилатация стриктуры мочеточника в лечении детей с обструктивным мегауретером //Российский вестник детской хирургии, анестезиологии и реаниматологии. – 2017. – №. 5. – С. 122-122.
18. Осипов И. Б. и др. Малоинвазивное лечение обструктивного мегауретера //Урологические ведомости. – 2015. – Т. 5. – №. 1. – С. 71-72.
19. Пугачев А. Г. П88 Детская урология: Руководство для врачей.–М.: ГЭОТАР Медиа, 2009.—832 с.: ил. – 2009.
20. Рахматуллаев А. и др. Эндоскопическое лечение первичного обструктивного мегауретера у детей //Первая международная конференция общества детских урологов Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 40-40.
21. Рудин Ю. Э. Обструктивный мегауретер. – 2016.
22. Сабирзянова З. Р., Павлов А. Ю. Результаты лечения обструктивного мегауретера у детей в отдаленном катамнезе //Российский вестник детской хирургии, анестезиологии и реаниматологии Учредители: Российский национальный исследовательский медицинский университет им. НИ Пирогова, Российская ассоциация детских хирургов, ООО" Эко-Вектор". – 2022. – Т. 12. – С. 121.
23. Сальников В. Ю., Зоркин С. Н. Оптимизация тактики хирургического лечения первичного обструктивного мегауретера у детей первых лет жизни //Детская хирургия. – 2019. – Т. 23. – №. 3. – С. 128-133.
24. Сальников В. Ю., Зоркин С. Н. Первый опыт применения рефлюксирующей реимплантации мочеточника в этапном лечении первичного обструктивного мегауретера у детей первого года жизни //Детская хирургия. – 2017. – Т. 21. – №. 5. – С. 244-248.
25. Сапаев О. К. К вопросу о предварительной деривации мочи у детей с суправезикальной обструкцией //Детская хирургия. – 2009. – №. 6. – С. 26-28.
26. Трушин П. В. и др. Опыт применения разгрузочной пиелоуретеростомы при первичном обструктивном мегауретере //Journal of Siberian Medical Sciences. – 2016. – №. Спецвыпуск. – С. 17.
27. Юшко Е. И. и др. Анализ результатов пренатальной и постнатальной диагностики первичного обструктивного мегауретера у детей //Медицинские новости. – 2016. – №. 12 (267). – С. 75-78.
28. Юшко Е. И. Классификация и этиопатогенез первичного обструктивного мегауретера у детей //Урология. – 2012. – №. 4. – С. 98-103.
29. Юшко Е. И. Первичный обструктивный мегауретер у детей. – 2020.
30. Яцык С. П. и др. Этиопатогенез обструктивных уropатий у детей //Новый день в медицине. – 2014. – №. 1. – С. 3-6.

- 31.** Rizaev, J. A., Vohidov, E. R., & Nazarova, N. S. (2024). The importance of the clinical picture and development of the condition of periodont tissue diseases in pregnant women. *Central Asian Journal of Medicine*, 85–90.
- 32.** Khazratov, A. I., Rizaev, J. A., & Ganiev, A. A. (2024). Epidemiological assessment of the incidence and mortality of oral cancer. *Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences*, 4(12), 99–103.
- 33.** Shakhanova, S. S., & Rakhimov, N. M. (2025). The role of troponin and IL-6 in immunological assessment of sarcopenia in oncological patients. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 6(3), 1229–1233.
- 34.** Rizaev, J. A., Rahimov, N. M., & Kadirov, X. X. (2023). Oncoepidemiological assessment of the incidence and mortality of prostate cancer for the period 2015–2020 in the cross section of the Republic of Uzbekistan and individual regions. *Open Access Repository*, 4(3), 1108–1113.

# БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

### JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000